Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zenergota'minlash" AJ
Объявление
"O'ZENERGOTA'MINLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

“O’zenergota’minlash” акциядорлик жамияти 2022 йил 8 февраль куни соат 10:00 да Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзилида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш вақти – 09:00 дан 09:50 га қадар амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби

- 1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- 3. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
- 4. Жамиятнинг ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқлаш.
- 5. Жамият ижроия органи рахбарини (бош директорини) сайлаш.
- 6. Жамият томонидан 100 000 000 000 сўм миқдорида кредит олиш.
- 7. Жамият акцияларини қайтариб сотиб олиш нархини белгилаш.

Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш санасини:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 14 январь 2022 йил;

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 2 февраль 2022 йил.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборотлар (материаллар) бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзили бўйича мурожат қилишлари мумкин.

Жамият акциядорларида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунига мувофиқ жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин.

Жамиятнинг оддий акцияларни сотиб олиш нархи 12 837 сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг акцияларини сотиб олиш нархи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қиламиз.

Телефон: +99899 796-00-56

Жамият электрон почта манзили: :info@uzet.uz

17.01.2022